

2023 йил – инсонга эътибор ва сифатли таълим йили



САМАРҚАНДДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

Янги йил! Гарчанд умримизнинг яна бир саҳифаси тарихга айланаётган бўлса-да, байрамни интиқлик билан кутамиз. Болажонлар учун бу байрам унутилмас таассуротлари билан ҳар доим бетакрордир.

Анъанага мувофиқ, жорий йил ҳам Самарқанд вилоятининг барча туман ва шаҳарлари марказларида байрам арчалари ўрнатилиб, концерт дастурлари, театрлаштирилган томошалар намоиш этилмоқда.

Жумладан, Самарқанд шаҳрининг аҳоли гавжум манзиллари — Самарқанд вилоят муסיқали драма театри олдиди, Темирийўл вокзали ҳудудида, Алишер Навоий кўчасида, шунингдек, Сартепа ва Қорасув массивлари ҳамда Фарҳод, Сўлим, Кимёгарлар шаҳарчаларида байрам арчалари ўрнатилди.

Айни кунларда Янги йил арчалари атрофида театр-

лаштирилган байрам томошалари, концерт дастурлари намоиш этилиб, самарқандликларга байрамона кайфият улашилмоқда.

– Фарзандларим, набираларим билан байрам томошасига келдик, – дейди Кафтархона маҳалласида яшовчи Заҳро Вафоева. – Набираларимга қўшилиб Қорқобо ва Қорқиз билан мазза қилиб рақс тушдик. Байрам томошаларини кўрдик. Байрамона безатилган кўчаларни сайр қилиб, кўтаринки кайфиятда уйга қайтдимиз. Буларнинг барчаси бугунги тинчлигимизнинг меваси. Тинчлик, хотиржамлик бор жойда байрамлар татийди. Илоҳим, юртимиз тинчлиги абадий бўлсин!

Алишер ИСРОИЛОВ (сурат), ЎЗА

УШБУ СОНДА:

ШАРМАНДАЛИ ШАХМАТ "ЎЙИНИ" ҚАЧОН ТУГАЙДИ?

Эслатамиз, газетамизнинг 2021 йил 8 декабрь 49 (943)-сонидида “ЁШ ИСТЕЪДОДЛАРНИ УНУТГАН ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ ЁХУД ТУЯ ГЎШТИ ЕГАН ШАХМАТ ФИНАЛИ ҚАЧОН БЎЛАДИ?” сарлавҳали бир саҳифалик танқидий мақола эълон қилинган эди.

8



ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ

барча юртдошларимизни, жумладан, миллионлаб маслакдошларимизни бирлаштирган партияимизнинг фидойи аъзоларини кириб келаётган янги йил билан самимий табриклайди!

“Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”

ҳам аҳоли фаровонлиги ошиши ва мамлакатимиз тараққиёти йўлидаги унутилмас йил бўлишига тилакдошимиз.

Янги йилингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

МУРОЖААТНОМАДАН СЎНГ...

ЭНДИ ОРТГА ЙЎЛ ЙЎҚ

20 ДЕКАБРЬ, СЕШАНБА ЭДИ. БУГУН РОППА-РОСА ЎН КУН БЎЛИБДИ МАМЛАКАТ ҲАЁТИДА ЧУҚУР ИЗ ҚОЛДИРГУВЧИ БУ УНУТИЛМАС АНЖУМАННИНГ ЎТКАЗИЛГАНИГА

4

Хўш, шунча кундан бери оддий бир фуқаро, журналист сифатида кўнгилдан нелар кечди? Бордик, кўрдик, таниш чеҳралар билан саломлашдик. Тамомми? Ташқарида-чи? Одамлар нима дейишяпти? ЎЗА ёки айрим босма нашрлар ҳамда ана шу расмий тадбирга таклиф этилган журналист ва блогерларнинг муносабатлари, қолаверса, давлат ёки нодавлат, хусусий телерадиоканаллар мухбирлари эфирга узатган эшиттиришу кўрсатув-репортажларнинг мазмун-моҳиятини таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, бу нуфузли тадбирнинг кўлами, қамрови қанчалар кенглигига ишонч ҳосил қиламиз. Депутатлар,

сенаторлар, вазирлар ва катта-кичик мансабдорлар билдирган таассуротлар ҳам эсда қолари бўлди. Айни пайтда халқнинг кўнглида ўзи сайлаган Президентининг навбатдаги, ҳисобга кўра, олтинчи Мурожаатномасига нисбатан қандай фикр-мулоҳазалар кечаётгани шахсан мен учун кўпроқ қизиқ. Улардан айримларини келтираман:

XXI АСРНИНГ 23-ЙИЛИДА ҲАМ “XXI asr” БИЛАН БИРГА БЎЛИНГ!

Обуна индекси – 406. Мурожаат учун телефон: 71 255 68 50.

Обуна 2023

МУЛОҚОТ

МАҚСАД АНИҚ, РЕЖАЛАР ПУХТА ИШЛАНЯПТИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан Президентимизнинг Олий Мажлиси ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида илгари сурилган илғор ташаббусларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка янада кенгроқ етказиш мақсадида тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Актам Хайтов Хонқа туманидаги “Хонқа чорва капитал” МЧЖда ўтказилган давра суҳбатига Мурожаатномада белгиланган устувор вазифалар ва уларни амалга ошириш механизмларига алоқадорлик тўғрисида таъкидлади. Партия етакчиси айни жараёнларда О'zLiDePдан сайланган кўп сонли депутатлар фаол иштирок этиши зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Мулоқот давомида ҳаётимизнинг барча жабҳаларида улкан ўзгаришлар юз бераётгани, жумладан, ялпи ички маҳсулот ҳажми илк бор 80 миллиард доллардан ошгани, иқтисодиётимизга шу йилнинг ўзига 8 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб келгани, экспортимиз эса 19 миллиард долларга етгани, бу йил тарихимизда илк бор пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори минимал истеъмол харажатларидан кам бўлмаган даражага олиб чиқилгани тўғрисида маълумотлар берилди.

– Келгуси йилдан туман ва шаҳарлар мавжуд шароити, салоҳияти ва имкониятларидан келиб чиқиб 5 та тоифага ажратилади, – деди Актам Хайтов. – Тадбиркорлар учун субсидия, кредитлар ва компенсациялар ана шу тоифалардан келиб чиқиб ажратилади. Улар учун солиқ ставкалари ҳам ҳар хил бўлади. Бу эса ҳудудлар иқтисодиётининг барқарор ривожланишига, иқтисодий потенциални оширишга, аҳолининг фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

Учрашув низоҳасида партия етакчиси сутни қайта ишлашга ихтисослашган мазкур МЧЖ фаолияти билан яқиндан танишди. Бу ерда Италия технологияси асосида гидропоника усулида етиштирилаётган чорва озуқаларидан оқилона фойдаланиш масалалари билан қизиқди.

Тадбирга таклиф этилган чорвачилик йўналишидаги фермерларга шу усулда озуқа базасини яратиш бўйича турли тавсиялар берилди. Эътиборлиси, кичкина цехда 1 тонна буғдой ёки арпадан чорва моллари учун 5 тоннагача яшил озуқа тайёрланади. Мазкур озуқа билан боқилаётган зотдор сигирлар сутидан 30 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилади. Корхона ташкил этилганига ҳали кўп бўлмаган бўлса-да, сифатли маҳсулотлари билан ўз харидорларини топиб улгурган.

– Корхонамиз асосан сутни қайта ишлаб, ундан турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Шунингдек, гидропоника усулида буғдой ўстириб, чорва моллари учун юқори протеинли ем тайёрланади, – дейди корхона раҳбари, Халқ депутатлари Хонқа туман кенгаши депутати Шоҳрух Қаландаров. – Фаолиятимизни 1 млн 600 минг евро инвестиция киритишдан бошлаб, бугунги кунгача 107 та янги иш ўрни яратдик. Шундан 67 тасида аёллар бандлиги таъминланган. Хориждан зотдор қорамоллар олиб келиш давом этмоқда. Ҳозирда 370 бош қорамол ва 50 бош эчки бор.

Тадбиркор яқин келажакда яна бир нечта инновацион лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирган. Жумладан, кунига 100 тонна буғдойни қайта ишлаб, ун маҳсулотлари чиқарадиган заводни ишга тушириш арафасида. Бундан ташқари, жаҳон бозорида қиммат турадиган эчки сутидан сифатли пишлоқ ишлаб чиқариш цехини фойдаланишга топширишга тайёргарлик кўриляпти.

Насиба ВАЙСОВА,
жамоатчилик билан алоқалар
ва мафқуравий ишлар бўлими мудири



Худди ана шундай мулоқот Қорақалпоғистон Республикаси Тўртқўл тумани ҳокимлиги биносида ҳам бўлиб ўтди. Унда маҳаллий кенгаш депутатлари, ёшлар етакчилари, қишлоқ мулкдори саналган тажрибали фермерлар ва журналистлар иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси Актам Хайтов бу йилги Мурожаатноманинг ўзига хос жиҳатлари, мазмун-моҳияти ва яратилаётган янги имкониятлар тўғрисида сўз юритди. Айниқса, давлат сиёсатининг марказида инсон ва унинг

манфаатларини таъминлашдек улғў ғоя устувор эканига алоҳида эътибор қаратди.

Мамлакатимизда энг катта инвестиция таълимни қўллаб-қувватлашга қаратилганида ҳам олий мақсад муҳим ҳисобланади. Хусусий секторга қўшимча шароитлар яратиш орқали боғчалар сонини янада кўпайтириш, улар фаолиятининг сифатини тубдан яхшилаш бўйича беш йиллик дастур қабул қилиш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳам алоҳида таъкидланди.

Йўғилишдан сўнг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илғор фермер ва томорқа ер эгалари Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг “Илғор



фермер” ва “Намунали томорқачи” кўрак нишони билан тақдирланди.

Очиқ мулоқот доирасида О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Актам Хайтов тумандаги “Пахтачи” ОФЙ ҳудудидаги “Тўртқўл кунжут” МЧЖ томонидан ташкил этилган иссиқхонада етиштирилиб, экспортга чиқарилаётган помидорларни замонавий ускуна ва жиҳозларда қадоқлаш жараёнини кўздан кечирди. Кунжутни қайта ишлаш корхонаси билан танишди.

О'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси
кенгаши матбуот хизмати



МУНОСАБАТ

ДАВЛАТ ТИЛИГА ЭЪТИБОР – ТАРАҚҚИЁТГА ЭЪТИБОР

Мана, бир ҳафтадирки, Президентимизнинг навбатдаги Мурожаатномасида илгари сурилган илғор ғоялар таъсири ва таассуроти билан яшаймиз. Таҳлилчилар эса унинг ижтимоий-сиёсий аҳамиятига ҳолис баҳо бериш ва глобаллашув давридаги долзарб жиҳатларини эътироф этиш билан банд.

Давлат раҳбарининг парламентга мурожаат йўллаш аъёнаси бошқа мамлакатларда ҳам мавжуд. Лекин Ўзбекистоннинг бу борадаги таърихисига ўзига хос. Яъни, бизда нафақат Олий Мажлис, балки бутун халқимизга мурожаат қилинади. Унда наинки ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари, айни пайтда одамларни ўйлантираётган муаммолар ечимига қаратилган истиқболли лойиҳалар ҳусусида ҳам алоқадорлик сўз юритилади.

Галдаги Мурожаатнома ҳисоб бўйича олтинчиси саналади. Тасодифми ё вазият тақозосими, бу галгисида олтинчи устувор йўналиш қамраб олинган. Аввалги беш мурожаатнинг

ҳар биридаги фикрлар алоҳида шиор атрофида бирлаштирилганлиги диққатга сазовор. Жумладан, олдинги йиллари “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, “Жамият – ислохотлар ташаббускори”, “Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”, “Хомашёдан – тайёр маҳсулот сари”, “Янги Ўзбекистон – инсон қадрли улғўланган жамият ва халқпарвар давлат” сингари қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги ва ривожлантирувчи ғоялар илгари сурилган бўлса, бу сафарги Мурожаатнома бошидан охиригача “Инсон – жамият – давлат” тамойилига қўрилгани билан аҳамиятлидир.

Давлат раҳбарининг Мурожаатномасини муайян йилга мўлжалланган “Йўл харитаси”, десак тўғри бўлади. Чунки унда барча соҳа ва тармоқларнинг келажаги, иқтисодий тараққиёт ва ижтимоий ривожланишнинг муҳим омиллари чуқур таҳлил қилинган. Белгиланган вазифаларни амалга ошириш механизмлари очиб берилган.

Шу маънода, кириб келаётган янги йилга “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” дея ном берилишида улкан маъно-мазмун муҳасамаси. Ўсиш-ўзгаришларнинг ҳақиқий пойдевори ҳам, нажот ҳам таълимда экани яна бир қарра таъкидланди.

Президентимиз юритаётган сиёсатдаги уйғунлик шундай, инсонга эътиборни кучайтириш ва таълим сифатини ошириш масалаларини она тилига эътиборни кучайтирмасдан ҳал қилиб бўлмаслиги доимо диққат марказида туради. Ушбу Мурожаатномада ҳам миллий ўзлигимизнинг асосий тимсоли бўлган она тилига эътиборни янада кучайтириш зарурлигига урғу берилган, уни мукаммал ўрганиш мажбурий эканлиги қайд этилгани бежиз эмас.

Дарҳақиқат, тил – миллат ғурури, келажак. Тилсиз ҳеч бир миллат тўлақонли халқ бўла олмайди. Бошқача айтганда, одам ўзлигини унутмаслиги учун уч нарсани бой бермаслиги керак: Ватанини, динини ва тилини.


Шунинг учун қарийб олти аср аввал Ҳазрат Навоий “Тилга эътиборсиз – элга эътиборсиз”лиги юзасидан бонг урган. Ҳассос адиб Абдулла Қаҳҳор тилини бузганларни йўл қўйдасини бузганлар каби қатъий жазимага тортишни таклиф этган. Қаҳҳорнинг шоирларидан Эркин Воҳидов “Қаердасиз, тил фидойилари?” дея бутун жамиятни уйғоқликка чорлаган бўлса, Абдулла Орипов қаламидан чиққан она тилини билмайдиганларнинг тўтидан фарқи йўқлиги ҳусусидаги назимий фалсафа ўтли даъват сифатида хизмат қилиб келаяпти.

Модомики, бугунги кунда айримларнинг “Менинг фарзандим чет тилини билади, бироқ она тилини билмайди”, деб юриши Янги Ўзбекистон фуқароларига умуман ярашмайди. Албатта, хорижий тилларни ўрганиш замона талаби. Аммо бу она тилини инкор этишни англатмайди.

Аслида ўз тилини мукаммал билмаганларнинг ўзга тилларни яхши ўзлаштириганига ишонил мушкул. Демак, бошқа тилларни ҳеч камситмаган ҳолда, она тилимизни эъзозлашмиш, пухта билишимиз керак. Ҳеч бир тил бизнинг мамлакатда давлат тили ўрнига ишлатилмаслиги, ҳукмрон бўлмаслиги шарт.

Президентимиз Мурожаатномасида ана шу хайрли ишга халқимизни даъват этгани ҳаммамизга унутилмас сабоқ бўлиши даркор. Чунки биз ҳали ҳам ўз тилимизнинг қадрига етмаяпмиз. Кўчаларга чиқсангиз, ажнабий сўзлар, айниқса, реклама ва эълонларни турли тилларда ўқиймиз. Ҳатто айрим нуфузли ташкилотларда муҳим ҳужжатларни рус тилида ёзиш урфдан тушмай келаятгани ачинарлидир.

Ўйлайманки, жамоатчиликнинг кучли назорати остида бундай камчилик ва нуқсонлар тез орада бартараф этилади.



Гавҳархон МУҚАДДАСОВА,
Давлат солиқ қўмитаси раисининг
маслаҳатчиси

БОШҚАРУВ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШАДИ



Дилбар УСМОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты,
О'зЛиДеР фракцияси аъзоси

Президентимизнинг Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномаси том маънода жиддий воқеа бўлди. Унда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг нафақат бир йиллик, балки яқин келажақдаги устувор

йўналишлари аниқ белгилаб берилди. Кўтарилган ўндан ортиқ масалалар, устувор вазифалар пировардида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Мурожаатномада мамлакатимиз миллий ривожланишининг янги даврига дадил қадам қўяётгани, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида улкан ўзгаришлар юз бераётгани атрофича таҳлил қилиб берилди. Жумладан, якунига етаётган 2022 йил ғоят мураккаб ва синовли бўлишига қарамай, ялли ички маҳсулотнинг улуши бу йил илк бор 80 миллиард доллардан ошди, иқтисодиётимизга шу йилнинг ўзида 8 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб келди, экспортимиз эса 19 миллиард долларга етди. Бу йил тарихимизда илк бор пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори минимал истеъмоладан харажатларидан кам бўлмаган даражага олиб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари 2023 йилдаги энг устувор йўналишларга тўхталиб ўтаркан, биринчи йўналиш сифатида ихчам ва самарали давлат бошқарув тизимига ўтишни таклиф қилди. Хусусий ташаббусларни янада кенгайтириш, уларга янги истиқболларни очиш

мақсадида энди “қўл бошқаруви”дан аниқ натижага ишлайдиган тизимли бошқарувга ўтиш вақти келгани таъкидланди.

Ва 21 декабрь куниёқ Президентимиз “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонни имзолади. Бу орқали раҳбарларнинг масъулигини ошириш, халқ билан бевосита ишлаш, муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш, берилган вазифаларни сидқидилдан бажарилишига эришилиши кўзда тутилган. Яъни давлат хизматчилари сони босқичма-босқич қисқариб, иқтисод қилинадиган маблағлар ижтимоий масалаларга йўналтирилиши кўзда тутилмоқда.

Қонунчилик палатасида вазирликларнинг ҳукумат соатида ахборотларини мунтазам эшитиб бораёلمиз. Бу эса уларнинг ўз фаолиятига бўлган масъулиятини, депутатлар олдида ҳисобдорлигини оширяпти. Ўз навбатида, биз халқ ноиблари ҳам Мурожаатномада белгилаб берилган масалаларга жиддий ёндашишимиз, энг муҳими, юрт тақдирига дахлдор бўлиб, халқимизни рози қилиш йўлида фидойилик кўрсатиб ишлашимиз керак.

ХАЛҚАРО ТАЖРИБАЛАР ТАТБИҚ ЭТИЛАДИ



Мухтор ИБРАГИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты,
Фан, таълим, маданият ва спорт
масалалари қўмитаси аъзоси

Бу таклиф Мурожаатномада алоҳида таъкидлаб ўтилди. Сабаби, энди давр ўзгарди, талаб бошқача. Айниқса, таълим-тарбия масаласи ҳаёт-мамонт масаласига айланмоқда. 2023 йилдан мактаб таълимини халқаро таълим дастурлари асосида бутунлай ислоҳ қилиш бошланиши ҳақидаги хабар барчани – шу соҳа ходимлари ва педагогларни, ота-оналарни руҳлантириб юборди, десак муболаға бўлмайдими.

Тан олиш керакики, давлат раҳбари сайё-ҳаракатлари туфайли кейинги беш-олти йил ичида таълим тизимида бутунлай янги ислохотлар амалга оширилди. Табиийки, ҳар қандай давлатнинг истиқболи ва тараққиётини биринчи навбатда таълим ва тарбияга бўлган эътибор белгилаб беради. Шунинг учун ҳам Янги Ўзбекистон учун энг катта инвестиция бўлган таълимни қўллаб-қувватлашга асосий мезон сифатида аҳамият берилмаётгани қувонарли ҳолатдир.

Эътироф этиш лозимки, янги йилнинг “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” дея номланиши, айниқса, ёшларнинг интеллектуал, замонавий билим ва салоҳиятларини ошириш йўлидаги муҳим қадамларимиздан биридир. Мурожаатномада таъкидланганидек, фарзандларимиз мактабданок, энг аввало, она тилини, қолаверса, хорижий тиллардан бирини пухта ўзлаштириб, компьютерда ишлашни ўрганиб чиқиши зарур. Уларни касб-ҳунарга, санъат ва маданиятга қизиқтиришимиз, шахс бўлиб вояга етишлари учун бугундан яхши эътибор бериб, таълимга эрта йўналтиришимиз лозим.

Ватанимиз келажагига дахлдор бўлган ушбу ҳужжатда жамиятимиз ҳаётининг ҳеч бир жабҳаси эътибордан четда қолмаган. Унда кўтарилган масалалар, белгилаб берилган устувор вазифалар халқимиз турмуш даражаси ва сифатини оширишга қаратилган. Юртимиз нуфузини янги босқичга кўтариш йўлидаги кенг қўламли ишлар, кўзланаётган марралар ва уларга эришиш йўллари, таҳлилларга таянган рақамлар ҳамда таклифларни қамраб олган Мурожаатнома халқчилиги ҳамда одамлар дилидаги орзуларни акс эттиргани билан ҳам барча юрдошларимиз юрагидан чуқур жой эгаллашига шубҳа йўқ.

ТАЪЛИМ ВА ЯНА ТАЪЛИМ



Обиджон ҲАМИДОВ,
Бухоро давлат университети
ректору, халқ депутатлари вилоят
кенгаши депутати

Давлат раҳбарининг Мурожаатномасини телевизор орқали кўраётиб, худди шу сўзлар бир неча бор қайта-қайта таъкидланганини эшитиб бошим осмонга етди. Ёки бўлмаса “...биринчи навбатда, эътиборни Янги Ўзбекистон учун энг катта инвестиция бўлган таълимни қўллаб-қувватлашга қаратамиз” деган даъватлари замирида келажақ авлод тақдирига жид-

дий эътибор қаратиш шарт эканлиги билан боғлиқ масъулиятли вазифа ётибди. Бу эса биз, соҳа ходимларини янада дадилликка, фидойиликка етаклайди деб ўйлайман.

Масалан, бу ҳужжатда таъкидланганидек, янги йилдан бошлаб таълим тизимида, жумладан, бошланғич синфларда мутлақо янги методика асосида яратилган дарсликлар бўйича ўқитиш йўлга қўйилиши кўзда тутилмоқда. Ёки олайлик, келаси ўқув йилидан бошлаб, дастлаб Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида синаб кўрилган тажрибада ўзини оқлаган хайрли ишлардан бири, яъни бошланғич синф ўқувчилари учун бепул овқатланиш амалиёти эндиликда Тошкент шаҳри ва республиканинг бошқа барча вилоятларидаги мактабларда ҳам жорий этилишини ешитган халқимиз қанчалар шодмонлик билан кутиб олганини сўз билан таърифлаш қийин.

Президентимиз ташаббуси билан ўқитувчи-мураббийларнинг мақоми, шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш масаласи Конституция даражасига қўтарилиши қайси замонда бўлган эди? Насиб этса, келгусида таълим тизимини ривожлантириш, бу машаққатли соҳа ходимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муҳофазалаш чин маънода давлат сиёсати даражасига кўтарилади.



СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ОСМОНДАН ТУШМАЙДИ



Алишер ТЎҚСОНОВ,
Халқ депутатлари Навоий шаҳар
кенгаши депутати

Мурожаатномада давлатимиз раҳбари келгусида халқимизнинг малакали ва сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятлари янада кенгайтирилишига алоҳида тўхталиб ўтгани бежиз эмас. Чунки, аввало, бепул тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажми қонун билан белгиланиши аён. Яна бир жиҳати, давлат томонидан ажратилаётган маблағларнинг ҳар бир беморга етиб бориши учун давлат тиббий

суғуртасига ўтиш тезлаштирилиши айтиб ўтилди. Бу тизим кейинги йилдан Тошкент шаҳрида бошланади ва босқичма-босқич бошқа ҳудудларда ҳам жорий қилинади.

Эътиборли томони, “Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи” янги умуммиллий ҳаракати маҳалладан бошланади, деган ташаббус кўпчиликнинг кўнгилдаги гап эди шу вақтгача. Сабаби, афсусланарлиси, кўп ҳолларда соғлом овқатланиш рақибига доир тавсиялар кенг жамоатчилик ўртасида деярли тарғиб этилмаёпти. Ёки турли ёшдаги кишилар учун жисмоний тарбия машқларини ўргатиш ишлари умуман йўқ деса ҳам бўлаверарди. Шу боис Президентимиз келаси йили қўшимча 140 та оилавий шифокор пункти ва поликлиника, 520 та олис ва чекка маҳаллада ихчам тиббиёт пунктлари ташкил этилишини таъкидлади. Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича уч йиллик катта дастур амалга оширилиши белгиланди. Турмуш комплекслари тўлиқ таъмирланиши ва жиҳозланиши қайд этилиб, ўринлар сони 35 фоизга кўпайтирилиши ҳам аҳолини қувонтирди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда нотўғри овқатланиш, ҳам ҳаракатлилик ва бошқа сабаблар ортдан қанча бўлмағур касалликлар сони ортиб бораёпти. Оқибатда одамларнинг тиббий хизматга бўлган эҳтиёжи йилдан йилга ортмоқда. Бу эса тиббиётда жиддий ислохотлар янада кучайишни талаб этади, албатта.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ

ортиқча сарф-харажат ва юкламалардан халос бўлади



Алишер РЎЗИЕВ,
О'зЛиДеР Сурхондарё вилоят
кенгаши раиси

Дунёда юқори иқтисодга эга 38 та давлатни ўзида жамлаган Иқтисодий ҳам-

корлик ва тараққиёт ташкилоти кенгашининг Тартибга солиш сиёсати ва давлат бошқаруви бўйича тавсияларида давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш бўйича 12 та ҳолат назарда тутилган. Шулардан бири барча даражадаги давлат бошқаруви тизимида турдош тартибга солиш масалаларини аниқлаш орқали тақорланиш ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўймасликдир. Шунингдек, муайян соҳада давлат бошқарувини ягона давлат органига юклаш орқали мазкур соҳани комплекс ривожлантириш, яхлит позиция ва тизимли ёндашувни шакллантириш, турдош ва ўзаро боғлиқ тармоқларни ривожлантириш белгиланган.

Кўпгина ривожланган мамлакатларда ихчам давлат бошқаруви аппарати шакллантирилган. Масалан, Францияда – 18 та вазирлик, Германияда – 14 та вазирлик, Японияда – 13 та вазирлик, Финляндияда – 12 та вазирлик, Нидерландияда – 11 та вазирлик, Швейцарияда – 7 та вазирлик ташкил қилинган. Албатта, бу ислохотлар давлат маблағларини тежаш, тўғри ва оқилона фойдаланиш, давлат ор-

ганлари халққа чинакам хизмат қилишига ҳамда бюрократия кескин камайишига олиб келади.

Мазкур тажрибалардан келиб чиққан ҳолда Президентимизнинг парламент ҳамда халқимизга йўллаган Мурожаатномасида назарда тутилган ислохотларнинг биринчи босқичида вазирликлар ислоҳ қилиниши, ҳукумат иш услуби ҳам тубдан ўзгариши, энг аввало, вазирлик ва идоралар сони камайтирилиши белгиланган эди. Дарвоқе, белгиланган ушбу долзарб вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида орадан икки кун ҳам ўтмасдан давлат раҳбари имзолаган фармон эълон қилинди. Бу таклифлар эса бизда ҳам халқаро стандартларга кўра, “смарт” ақлли бошқарув шакли тобора оммалашиб бораётганини англатади. Унинг марказида эса, энг аввало, инсон манфаатлари ётади.

Юқоридаги масалалар давлат бошқарувини халққа яқинлаштириш, уни инсон омилига йўналтиришга эришишга хизмат қилади.

ВАКОЛАТ БОР, ИМКОНИЯТ ҲАМ



Тўлқинжон ФАЙЗИЕВ,
О'зЛиДеР Тошкент вилоят кенгаши раиси

Мурожаатнома билан синчиклаб танишиб чиқилса, қатор долзарб масалалар ичида, айниқса, халқимиз ишонч билдирган депутатлар корпусига берилган катта ваколат ва имкониятлардан самарали фойдаланиш лозимлиги

алоҳида таъкидланган. Негаки, сўнгги йилларда ноибларга кўп ваколатлар берилди ва уларни янада кенгайтириш борасида ҳам изчил чора-тадбирлар белгиланмоқда. Ўз навбатида депутатлик мақомига муносиб равишда қандай хайрли ишларни бажардим, дея йил сўнгиди ўз-ўзимизни сарҳисоб қилмоғимиз шарт деб ҳисоблайман. Бундай обрў-эътиборга ҳар ким ҳам сазовор бўлолмайди-да. Шунинг учун ҳам кенгашиимиз вакиллари ўзлари ишлайдиган идора ёки ташкилотда эмас, аксинча, кўпроқ сайловчилар орасида бўлишга ҳаракат қилишяпти.

2023 йил “Инсонга эътибор ва сифатли таълим” йили деб номланганида ҳам ўзига хос рамзийлик бор. Оддий мисол, 2023 йилдан бошлаб мактаб таълимини халқаро таълим дастурлари асосида бутунлай ислоҳ қилиш бошланиши қайд этилди. Ушбу жараёнда ҳам депутат ва сенаторлар, маҳалла вакиллари, зиёлилар, ёшлар, тадбиркорлар ва кенг жамоатчиликдан фаол бўлишлари, янги-янги таклиф ва ташаббуслар билдиришлари сўралди. Бу эса Ватанимизнинг тинч-осойишталиги, эртанги тараққиёти ва фаровонлиги учун ўзини дахлдор деб билувчи ҳар бир фуқаронинг зиммасига катта масъулият юклайди.

Саҳифани “XXI asr” мухбири
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА тайёрлади.

ЭНДИ ОРТГА ЙЎЛ ЙЎҚ

20 ДЕКАБРЬ, СЕШАНБА ЭДИ. БУГУН РОППА-РОСА ЎН КУН БЎЛИБДИ МАМЛАКАТ ҲАЁТИДА ЧУҚУР ИЗ ҚОЛДИРГУВЧИ БУ УНУТИЛМАС АНЖУМАННИНГ ЎТКАЗИЛГАНИГА

◀◀ Бошланиши 1-саҳифада.

**Парвоз ЯҲЁЕВА,
Хўжайлидаги мактаб-интернат
тарбиячиси:**

– Ўша куни ўқувчиларим ёнида эдим. Телевизорда Президентнинг Мурожаатномасини кўрсатишди. Юрагимнинг бир четида бизлар яшаётган Оролбўйи ҳақида не гаплар айтилар экан, деган ўй турганди. Бир пайт юртбошимизнинг **“Қорақалпоғистоннинг ютуғи – бутун Ўзбекистоннинг ютуғи, Қорақалпоғистоннинг ташвиши – бутун Ўзбекистоннинг ташвиши”** деган ғоя ҳамиша амалий ҳаракат дастури бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Бизнинг эзгу мақсадимиз – биргаликдаги меҳнатимиз билан Янги Ўзбекистонда ҳар томонлама ривожланган, обод ва фаровон Янги Қорақалпоғистонни бунёд этишдир. Асрлар давомида эт ва тирноқ каби бир бўлиб кетган халқларимиз дўстлигига ҳеч қандай куч таъсир кўрсата олмайди. Чунки бизнинг ўтмишимиз бир, бугунимиз ҳам, келажагимиз ҳам бир”, дея баланд руҳда айтган сўзларини эшитиб кўзларимга ёш келди. Боиси, онаман-ку мен, Нукусда содир бўлган кўнгилсиз воқеаларда адашиб, кимларнингдир қутқусига ишониб аралашиб қолган ёш йигитларимизнинг тақдиридан хавотирда эдим. Шундан сал аввалроқ, ана шу ҳодисаларда қатнашганларнинг қанчаси озод қилинган, оиласи бағрига қайтарилган эди. Бу ҳам ўзига хос инсонпарварлик намунаси эмасми?... Мурожаатномада келтирилган ҳар бир соҳага тааллуқли муҳим рақамларни дафтаримга ёзиб ҳам қўйдим. Насиб этса, бугунимиздан кўра эртанимиз янада ёруғроқ бўлишига ишондим.

**Қаҳрамон ЭРҒАШЕВ,
Олий Мажлис депутати,
O‘zLiDeP фракцияси аъзоси:**

– Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига тақдим этган навбатдаги Мурожаатномасида ўтаётган йилимизнинг ғоят мураккаб ва синовли йил бўлганини алоҳида таъкидлагани бежиз эмас. Олайлик, дунё миқёсида ҳали-ҳануз хавфи сақланиб қолаётган пандемия ёки жаҳон аҳлини ташвишга солаётган чуқур иқтисодий ва сиёсий инқирозлар, табиийки, бизга ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Лекин неча асрлар оғир машаққатларни мардона энгиб келган халқимиз янги йилга ҳам ёруғ юз билан ўтмоқда. Буларнинг асосий сабаби юртимиздаги тинчлик, ҳамжиҳатлик, бағри бутунлиқдир деб ўйлайман. Яна бир муҳим жиҳат, Мурожаатномада парламент фаолияти, депутатлар фаоллигини янада ошириш, бир сўз билан айтганда, халқни рози қилишдек мураккаб вазифани бажариш орқали инсон қадри юқалиб боришига урғу берилди. Бу эса энг асосий таянч нуқтамиздир.

**Улуғбек РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Тошкент кимё-технология
институтини магистранти:**

– Мен интернет орқали кузатдим ўша кунги йиғилиш. Президент Мурожаатномага сизмаган айрим кузатувларини, танқидий хулосаларини очик айтди. Айниқса, ўзим нефть-газ саноати мутахассислиги бўйича таҳсил олаётганлигим сабабли энергетика соҳасидаги муаммолар чуқур таҳлил этилганига эътибор қаратдим. Очиғини айтишим керак, аввалги йиллардан кўра бу йил айнан ана шу тизимда жиддий камчиликлар кўриниб қолди. Ота-онам



қишлоқда яшаганлиги учун ҳар куни соғлигини сўрашим биланоқ, электр чироғи бор-йўқлиги билан қизиқаман. Газ-ку умуман йўқ биз томонларда, кунора 4-5 соатлаб “свят” ўчаётганини айтганида кўнгил хира бўлади. Насиб этса, келаси йиллардан бошлаб бундай ечими оғир кечаётган масалалар ҳал бўлишдан умидвормиз. Чунки давлат раҳбари иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланиши учун энергетика соҳасига кўпроқ инвестиция киритилиши тарафдори, бу эса ўзини оқлайдиган тажриба деб ўйлайман.

Шу ўринда илк Мурожаатнома йўлланган 2017 йил беихтиёр ёдга тушади. Эсимда, Шавкат Мирзиёев ўшанда деярли барча соҳалар бўйича аввалги даврдан оғир мерос бўлиб қолган қанча камчиликларни очик-ошкора айтиб ташлаганди. Ижтимоий аҳвол, иқтисодий бўҳрон ҳавфи, сиёсий саҳнадаги ҳар хил “ўйин”лар танқидий-таҳлилий қилиниб, халққа бор ҳақиқат етказилгани учун хотирамдан кўтарилмайди ҳамон. Ютуқлар ўз йўлига, лекин қайд этилган нуқсонларни тузатиш йўллари ва улардан тегишли хулосалар чиқариш лозимлигига асосий урғу берилган эди.

Ҳар галгидек бу йил ҳам асосий кўрсаткичлар, янги йилга мўлжалланган мақсад ва вазифалар эълон қилиниш баробарида Мурожаатнома матнидан ташқари Президент қанча муаммоларни бирма-бир санаб, таҳлил қилиб берди. Назаримда, шунинг учун ҳам халқ йил оёклаган фурсатда анъанага айланган бу тадбирни доимо катта қизиқиш билан кутади, кузатади.

Ҳозир Ўзбекистон аҳолиси сони 36 миллиондан ошиб кетди. Қайд этилганидек, ҳар йили сифимизга қарийб 900 минг янги авлод кўшилаётган экан. Бу кичкина рақам эмас, албатта. Лекин ана шу қарийб бир миллион янги фуқаромизнинг бошини силлаш, ҳаёт тарзини йўлга солиш ҳазилакам иш эмас. Бу, энг аввало, шаҳар-қишлоқ-овул-маҳалла-оила ҳамжиҳатлиги қай даражада мустаҳкам шаклланишига чамбарчас боғлиқ жараёндир.

Шу маънода Мурожаатномада алоҳида таъкидлаб ўтилган айрим муваффақиятларни санаш ҳам жоиз: масалан, ялпи ички маҳсулот ҳажми илк бор 80 миллиард доллардан ошгани, иқтисодиётимизга шу йилнинг ўзига 8 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб келиб, экспорт ҳажми 19 миллиард долларга етгани... илгари бу даражада катта натижалар бўлмагани эътироф қилинди!


– Бу рақамларни айтиш осон. Уларнинг ҳар бири ортида машаққатли меҳнат турибди. Чунки инсон қадри, инсонни эъзозлаш – эътиборимиздаги энг асосий масала, – деди Шавкат Мирзиёев. – Шу мақсадда охириги олти йилда мамлакатимиз бўйича қарийб 300 мингта ёки аввалги йилларга нисбатан 10 баробар кўп уй-жойлар қурдик.

Яна бир эътиборли иборани эшитинг: **“Аввал – инсон, кейин – жамият ва давлат”** деган ғоянинг Конституция-миз ва қонунларимизга, қўндалик ҳаётимизга ҳам чуқур синдиришимиз керак”. Ана шунинг ўзи давлатчиликнинг ҳуқуқий асосини белгилаб беради. Қачонки, инсон омили биринчи ўринга чиқар экан, шу мамлакатда тараққиёт бўлади, фаровонлик таъминланади.

Мамлакатимизда келгуси 2023 йил “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” дея эълон қилинганда Мурожаатноманинг моҳияти аён бўлди. Демак, давлатимиз сиёсатининг марказида ҳар доим инсон ва унинг манфаатлари туришига ишора бу. Асосийси, мазкур мақсадлар ижроси қоғозда эмас, аксинча, қўндалик турмушимизда ўз исботини топиши мўқаррар.

Очиғи, ушбу тадбирда “таълим” деган сўзнинг неча марта бот-бот тилга олинганини санамадим. **“Нажот – таълимда, нажот – тарбияда, нажот – билимда. Чунки барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия туфайли эришилади”**. Қайта-қайта урғу берилган таълим-тарбия-билим азалдан эгизак тушунчалардир. Президент Шавкат

Мирзиёев турли мақомдаги расмий ёки норасмий тадбирлар, ҳатто селектор йиғилишларида ҳам халқни, миллатни дунёга олиб чиқадиган ягона йўл таълим ва тарбия эканини тақдорлаб келади. Бу тизимда ислохотлар кўнгилдагидек кечмаётганидан хавотир билдиради... Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, ҳаёт олдимизга яна қанча синов ва муаммоларни қўйиши мумкин ва биз ҳар қандай ҳолатга тайёр туришимиз зарур. Лекин қанчалик қийин ва мураккаб бўлмасин, демократик ислохотлар йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Олдинга, фақат олдинга қараб борамиз. Ва биз бунга ҳар томонлама қодирмиз.



Норқобил ЖАЛИЛОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

ЭНЕРГЕТИКА: МУАММОЛАР ЎЗ ЕЧИМИНИ КУТМОҚДА

**O‘zLiDeP Тошкент
вилоят кенгаши мутасаддилари 22 декабрь
– Энергетиклар кунини
муносабати билан соҳа
эгаларини қўллаш мақсадида “Тошкент иссиқлик
электр станцияси” АЖДа
бўлишди.**

Корхонада икки мингдан ортиқ ишчи-хизматчи ишлапти бугун. Кенгаш раиси Тўлқинжон Файзиев соҳа ходимларини касб байрами билан самимий қўтлади. Корхона раҳбари Бекзод Бўронбоев билан суҳбат асносида “Тошкент ИЭС” АЖнинг мамлакатимиз энергетика тизимида тутган ўрни бекиёслиги, халқимиз ҳаёти ва тадбиркорларнинг ривожланишига қанчалик муҳим таъсир кўрсатганини эътироф этди. Президентимизнинг Олий Мажлиси ва мамлакатимиз халқига йўллаган Мурожаатномасида соҳадаги муаммоларга ҳам алоҳида эътибор қаратилгани, халқимиз, тадбиркор

ва инвесторлар учун ҳам долзарб масала бўлган энергетика соҳасидаги муаммолар аниқ ечимини кутаётгани ҳақида сўз борди. Хусусан, келгуси йилда яна 4,5 минг мегаваттлик 11 та йирик лойиҳа ўз якунига етказилиб, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятларида барпо этиладиган қуёш ва шамол электр станциялари ҳисобидан қўшимча 14 миллиард киловатт электр ишлаб чиқарилиши белгиланган айни корхона зиммасига ҳам катта масъулият юклашгани айтилди.

Учрашув сўнггида жамият бош директори Бекзод Бўронбоев партия сафига қабул қилиниши муносабати билан унга аъзолик гувоҳномаси ва кўкрак нишони тантанали топирилди. Келгуси йилда 60 йиллик юбилейини нишонлайдиган ушбу корхонада O‘zLiDePнинг бошланғич ташкилоти ташкил этиладиган бўлди.

**Зухро МИРЗОҲАМДАМОВА,
O‘zLiDeP Тошкент вилоят
кенгаши бўлим мудир**

САЙЛОВЧИ ВА ДЕПУТАТ

Либерал-демократик ғоялар тарафдори бўлган юртдошимиз борки, O‘zLiDeP дастурида белгиланган вазифаларни сифатли бажариш партиянинг ҳар бир аъзосига катта масъулият юклашгани яхши англайди. Айни пайтда мазкур дастурнинг **“Битта мақсад бизни бирлаштиради. У ҳам бўлса, Ватан тараққиёти ва халқимиз фаровонлигидир”**, деган улғувдор даъват билан бошланиши маслакдошларни янада жипслаштиришга, кўзланган марраларни тезроқ эгаллашга руҳлантираётгани ҳам ҳақиқат.



Бу борада режалаштирилган ишларнинг вақтида амалга оширилишида маҳаллий кенгашлардаги депутатларнинг ўрни ва таъсири муҳим аҳамият касб этади. Чунки улар партиянинг электорат билан бевосита алоқага киришадиган, халқ орасида юрадиган фидойи вакиллари. Сайловчининг ишончини оқлай олиш эса нафақат муайян депутат, балки сиёсий кучнинг обрў-нуфузини оширади.

Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига O‘zLiDePдан сайланган депутатларнинг ўз округларида сайловчилар билан ташкил этаётган учрашувлари ҳам амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳиятини тарғиб этишда алоҳида ўрин тутди. Шунингдек, бундай мулоқотлар давомида ҳудудларда мавжуд муаммолар ечими юзасидан аниқ таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилиб, ижроия органларига тақдим қилинади.

ЭЛЕКТОРАТ ИШОНЧИНИ ОҚЛАШНИНГ ЎЗИ БЎЛМАЙДИ

Ҳозирги кунда жойларда уюштирилаётган учрашувларда асосий эътибор қиш мавсумини беталофат ўтказишга қаратилган. Аҳолига электр энергияси ва табиий газ етказиб беришда белгиланган тартибларга қатъий риоя этилишини жамоатчилик асосида назорат қилиш, қийинчиликларга дуч келаётган фуқароларни ёлғиз қолдирмасликда жонкуяр депутатлар муносиб ҳисса қўшаётгани бор гап. Буни қуйидаги биргина жонли мисолдан ҳам билиш мумкин.

Халқ депутатлари Когон шаҳар кенгашидаги O‘zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Нодир Амонов партиянинг шаҳар кенгаши аппарати раҳбари Суннат Авлиёқулов билан бирга “Бухороий шариф” маҳалласидаги хонадонларда бўлиб, аҳолини қийнаб келаётган масалаларни ўргандилар.

Маҳалла аҳлининг мурожаатига кўра, кам таъминланган оилалардан бири Артур Виноградовнинг уй-жой шароитини яхшилаш бўйича мавжуд ҳолат атрофлича кўриб чиқилди. Нодир Амоновнинг саъй-ҳаракатлари билан ушбу оиллага моддий ёрдам тариқасида 30 дона гипсакартон, 50 метрлик кабель ҳамда янги сув иситкичи (аристон) олиб берилди. Уй-жой имконияти даражасида жорий таъмирланди. Шунингдек, турли сабабларга кўра табиий газдан узилган А.Виноградовнинг хонадони депутатнинг аралашуви билан яна тармоққа улаб берилди.

Бундай эзгу ва савоб ишларга бошчилик қилаётган O‘zLiDePнинг фаол депутатига ушбу маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси ўз миннатдорлигини билдиргани ушбу ҳаракат изчил давом этаётганининг далолатидир.

**Асхор ИСТАМОВ,
“XXI asr” мухбири**

Байрам баҳона кўнгил сўранг

Янги йил байрами арафасида O'zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши бошчилигида "Юлдуз" МФЙ ёшлар етакчиси, "Ёшлар қаноти" аъзолари ва волонтерлари Гулистон тумани "Юлдуз" маҳалласида истиқомат қилаётган бемор, меҳрга муҳтож ҳамда уй шароитида таълим олувчи 10 нафар бола ҳолидан хабар олди.

Уларга ёшларнинг ўз кўли билан ясаган байрамона эсдалик совғалари ва озиқ-овқат маҳсулотлари улашилди. – Ўзгаларга меҳр-саховат кўрсатиш, муҳтожларга кўмак бериш халқимизнинг асрлар оша давом этиб келаётган қадриятларидандир, – дейди O'zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши бўлим mudiri Хусанхон Жабборов. – Байрам муносабати билан ўтказилган тадбирларимиз ана шу йўналишдаги ишларни янада юқори босқичга кўтарди. Ногиронлиги бор фуқароларни қўллаб-қувватлаш, инсон қадрини улуғлашга қаратилган бу каби саховат тадбирлари



партиянинг барча туман ва шаҳар кенгашлари томонидан кўтаринкилик билан давом этмоқда.

Элёр ЖўРАЕВ,
O'zLiDeP Сирдарё вилоят
кенгаши бўлим mudiri

Раҳбарлик осонми?

Кези келганда, бир оилага, бир кишига бosh бўлиш қийин. Бунини бошидан ўтказганлар, ўтказмаётганлар яхши тушунади.

Етакчи кўллаб ҳислатларга эга бўлиши керак. Унутмаслик лозимки, ҳар қандай раҳбар, аввало, халқ хизматчиси. Фикримизни айнан давлат хизматчиси мисолида давом эттирсак.

Ўзида барча инсоний фазилатларни жамлаганларгина бошқалар билан самарали мулоқот ўрната олади. Ўз муаммосини ҳал қилишда ёрдам сўраганлар дардига малҳам бў-

лишдек шарафли ишни уddалайди. Бунини англаган, ҳис қилган ва ўз касбий амалиётида дастуриламал қилиб олганлар атрофидагиларнинг ишончи ва эътирофига эришади.

Бир сўз билан айтганда, давлат хизматчисининг маънавий-ахлоқий қиёфаси барча йўналишларда олиб борилаётган ислохотларга ижобий таъсир кўрсатувчи энг муҳим жиҳатлардан биридир.

Ғ.ХИДИРОВ
Шароф Рашидов тумани
ҳокимининг ўринбосари

Қорбобога эмас, депутатга мактуб

Халқ депутатлари Учтепа туман кенгаши депутатлари томонидан Янги йил арафасида бола-жонлар учун "Депутатга мактуб" лойиҳаси доирасида байрам тадбири ташкил этилди.

Халқ ноиблари номига энг қизиқарли ва таъсирли хат ёзган ўғил-қизлар қорбободан совғалар олишди. Ушбу байрам тадбирида O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари ҳам фаол иштирок этди.

O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши матбуот хизмати



АСОСИЙ ЭЪТИБОР ОЗИҚ-ОВҚАТ ЗАХИРАСИНИ КЕНГАЙТИРИШГА ҚАРАТИЛМОҚДА

"Қишлоқ қурилиш банк":
2022 йилда эришилган
натижалар ва янги вазифалар мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда "Қишлоқ қурилиш банк" Бошқаруви раиси Алишер Муратов сўзга чиқиб, "2020–2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги фармон мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, хусусан, банк тизимини замонавий талаблар асосида модернизация қилишда дастуриламал бўлаётганини таъкидлади.

Ҳозирда "Қишлоқ қурилиш банк"нинг жами 103 та банк хизмати офислари ва банк хизмати марказлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Улар орқали 700 мингдан ортиқ миқдорга замонавий банк хизматлари кўрсатилмоқда. Банкнинг соф активлари йил бошига нисбатан 18,3 фоизга ошиб, 24 трлн 500 млрд сўмга етди. Умумий капитали эса 2 трлн 912 млрд сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан 216 млрд сўмга ортган.

Банк депозитлари миқдори 8 трлн 471 млрд сўмни, жумладан, қисқа муддатлиси 1 трлн 63 млрд сўмни, узоқ муддатлиси 7 трлн 408 млрд сўмни ташкил этган. 2022 йил якуни бўйича кредит қўйилмалари 20 трлн 220,4 млрд сўмни ташкил қилиб, йил бошига нисбатан 2 трлн 465 млрд сўмга ёки 14,1 фоизга ўсган.

Тадбирда банкни трансформация қилиш мақсадида халқаро консалтинг компанияси (PwC) жалб қилинган ҳолда, ривожланиш стратегияси (2020–2024) ва уни амалга ошириш йўли хариталари ишлаб чиқилгани ва банк кенгаши томони-



дан тасдиқлангани маълум қилинди.

Бир қатор хорижий молия институтлари билан ҳамкорлик йўлига қўйилган бўлиб, хорижий кредит линиялари жалб қилиб қилинган ҳолда, хорижий валютада кредитлар ажратиб келинмоқда. 2022 йил мобайнида Франция тараққиёт агентлиги иштирокидаги "Чорвачилик соҳасини барқарор ривожлантиришни молиялаштириш" лойиҳаси доирасида 12,9 млн евро; Европа инвестиция банки иштирокидаги "Ўзбекистонда глобал коронавирус пандемияси даврида зарар кўрган тадбиркорлик субъектларини фавқулодда қўллаб-қувватлаш" лойиҳаси доирасида 35 млн АҚШ доллари; Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокидаги "Қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш 2-фаза" лойиҳаси доирасида 30 млн АҚШ доллари; Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокидаги "Фарғона водийсида қишлоқ хўжалиги тадбиркорлигини ривожлантириш" лойиҳаси доирасида қўшимча 10 млн АҚШ

доллари миқдорида маблағларни жалб қилиш бўйича шартномалар имзоланди.

Банк томонидан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан республикамизда озиқ-овқат захирасини кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш лойиҳаларига кредитлар ажратилди, жумладан, иссиқхона хўжаликлари барпо этиш учун 6,1 млн. АҚШ доллари миқдоридаги 10 та лойиҳа, музлаткичи омборхоналар барпо этиш учун 7,5 млн АҚШ доллари миқдоридаги 11 та лойиҳа, боғдорчилик яъни боғлар барпо этиш учун 1,7 млн АҚШ доллари миқдоридаги 6 та лойиҳа, чорвачиликни ривожлантириш учун 4,3 млн АҚШ доллари миқдоридаги 25 та лойиҳа молиялаштирилди.

Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари вакиллари қизиқтирган барча саволларга жавоб берилди.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
"XXI asr" мухбири



Самарқанд вилояти фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши жамоаси

Қадок кўли ва қалб кўри билан фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган барча фермерларимизни, деҳқонлару деҳқон хўжалиги раҳбарлари, томорқачиларни кутиб келаётган

2023 йил билан салтанатий муборақбод этади!

Тилатимиз ~ янги йилда ҳам эзгу орзу-ниятларини рўёбга чиқсин.

Ўзини ҳаминча ёруғ бўлсин!



“Дехқонобод калий заводи”

акциядорлик жамияти жамоаси

юртдошларимизни Янги йил байрами билан чин дилдан қутлайди.
 “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да ҳам
 Ватанимизда тинчлик ва барқарорлик, бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва
 меҳр-оқибат янада мустаҳкамланаверсин!
 Олижаноб ва меҳнатсевар халқимизнинг турмуш фаровонлиги ортиб,
 дастурхони тўкин, хонадони тинч ва
 осойишта бўлаверсин!



Хизматлар лицензияланган.

Самарқанд шаҳридаги

“MUZMAS SAVDO”

масъулияти чекланган жамияти

озик-овқат маҳсулотлари ишлаб
 чиқариш корхонаси жамоаси

Ҳаётимизда ўчмас из қолдирган

2022 йил билан хайрлашиб,

қутлуғ қадамлар ила кириб келаётган

2023 йилни эзгу ниятлар ила қариши олятимиз.



Тарих саҳифасига муҳрланаётган йилни

зўр қувонч ҳамда эзгу таассуротлар билан кузатар эканмиз,

янги йил ҳам улуг халқимиз учун фойдали, баракали

йил бўлишини

Яратгандан тилаймиз.



Хизматлар лицензияланган.

Гулистон шаҳридаги

“BEK-QURILISH-AVTO”

масъулияти чекланган жамияти

Ўзиз юртдошлар!

2022 йилда амалга ошира олмаган
 режаларингиз,

мақсадларингиз 2023 йилда рўйга
 чиқишига тилакдошимиз!

Янги йилда барчангизга кўнгли
 хотиржамлиги ҳамда бахт ва омад тилаймиз.

Ўзини кайфият йил давомида
 ҳамроҳингиз бўлсин!



Хизматлар лицензияланган.

Хоразм вилоятидаги

“SUPERKASSA XIZMATI”

масъулияти чекланган жамияти

Мақсадларга фақат тинимсиз ҳаракат ва меҳнат билангина эришиш мумкин. Хоразмлик тиниб-тинчимас тадбиркор Муроджон Исмоилов фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. Мактаб давриданоқ тадбиркорликка қизиқиши баланд бўлган Муроджон коллежда ўқиётганида ният ўз мақсади сари дадил қадам ташлади – 2009 йили якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиб, ўзи яшайдиган маҳаллада тўловларни қабул қилиш учун “Paynet” шохобчаси очди.

Отаси Атаҳон Исмоилов, онаси Гулбаҳор Жуманиёзованинг, устозларининг маслаҳати, кўрсатган йўл-йўриғи билан у Тошкент аграр университетида таҳсилни давом эттирди.

Уддабурон ишбилармон йигит 2015 йил декабрь ойида “Grand five star” хусусий корхонасини очди. 2022 йилга келиб эса уни “Superkassa xizmati” масъулияти чекланган жамияти сифатида қайта ташкил этди. Корхона фаолияти ҳамма турдаги тўловларни қабул қилиш ва республикадаги мавжуд барча мобилъ компаниялар сим карталарини аҳолига етказиб беришдан иборат.

Бу жамият Хоразм вилоятининг ҳамма туманларида жойлашган шохобчаларида ва кўчма мобилъ хизмат кўрсатиш офисларида фаолият олиб боради. Бош офиси Шовот тумани марказида жойлашган. Ҳозирда 70 нафар малакали ходим аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Ушбу масъулияти чекланган жамият 2021 йилда ўтказилган “Ташаббус – 2021” кўрик-танловининг хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича Шовот тумани босқичида I даражали, вилоят босқичида II даражали диплом билан тақдирланган эди.

Мақсадларига босқичма-босқич эришиб келаётган Муроджон Исмоилов 2014 йилдан бери O‘zLiDeP аъзоси.


– Энг катта ниятим – кўпроқ илм олиш, тадбиркорлик фаолиятимни кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, халқимиз учун янада қулай, сифатли хизмат кўрсатиш, мамлакатимиз ривожига ўз ҳиссамни қўшишдан иборат.

Айни шу мақсадларни амалга ошириш йўлида янги йил учун ҳам бир талай режалар тузиб олдим. Фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни кириб келаётган янги – 2023 йил билан чин юракдан табриклаб, уларга мустақкам соғлиқ, хонадонига файзу барака, ишларига ривож тилайман.

Янги йилингиз қутлуг бўлсин, азизлар!



QISHLOQQURILISHBANK



*Yangi
yilingiz
mubarak bolsin!*

2023

QUANT
Bank qo'lingizda bo'ladi!

qqb.uz 1254

“Талимаржон” ИЭС

акциядорлик жамияти

Жаннатмонанд юртимизда

Янги йил шукуҳи

кезиб юрган шундай

файзли кунларда пиру бадавлат отахону

онахонларимизни, меҳрибон опа-сингилларимиз,

навқирон ёшларимизни – кўп миллатли

бутун халқимизни ушбу гўзал айём

билан чин дилдан қутлаймиз.

Янги йил янги ютуқ ва зафарлар

олиб келсин.

Халқимиз ҳаёти янада

фаровон ва мазмунли

бўлаверсин!



